

«Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг янги жузининг тақдимоти



18:34 / 09.09.2023 2070

Бугун, 2023 йил 9 сентябрь куни «Hilol-Nashr» нашриёт-матбаасининг мажлислар залида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Фитналар ва Қиёмат аломатлари» номли 32-жузи илк бор нашр этилиши муносабати билан таништирув тақдимоти ўтказилди. Маросимга юртимизнинг пешқадам устоз уламулари, диний-маърифий соҳада узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб келган ва келаётган азизлар, ўткир қалам аҳллари ва китоб ихлосмандлари ташриф буюрдилар.

Тақдимот бошловчиси Қамариддин Бекмуҳаммад барча меҳмонларнинг ташрифи учун ташаккур айтиб, «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси раҳбари, устоз Исмоил Муҳаммад Содик домлага илк сўз навбатини берди.



Устоз тақдимотни очиб бериб, ташриф буюрганларга ташаккур изҳор этиб, «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Фитналар ва Қиёмат аломатлари» номли янги 32-жузи илк бор нашр этилгани муносабати билан барчани қутладилар. Исмоил домла нутқлари давомида лойиҳа муаллифи фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари комил ва шомил шарҳлардан иборат «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг халқимизга нечоғлик муҳимлигига қаратган эътиборлари, китобнинг илк ёзилиш жараёнлари ҳақида маълумотлар бериб, ушбу силсиланинг илк муҳаррири бўлган Мурод Мансур роҳимаҳуллоҳнинг саъй-ҳаракатлари ва ҳиммату фидокорликлари борасида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, президент фармониға мувофиқ, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг олий даражали «Имом Бухорий» ордени билан тақдирланганларини яна бир бор эътироф этиб, бунга сабабчи бўлганларга миннатдорчилик билдирдилар.

Шундан сўнг ижодий жамоа аъзолари томонидан тайёрланган «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласи ҳақида ҳикоя қилувчи видеоларча намойиш этилди.

Кейин эса «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг янги 32-жузи ҳақида устоз Мансур Али Тожимуҳаммад ўғли илмий далиллар асосида мисоллар келтириб, батафсил маълумот бериб ўтдилар. Жумладан, уламолар томонидан ҳадисларга берилган шарҳлардан мисоллар келтириб, Қиёмат аломатларига нисбатан қандай муносабатда бўлиш кераклигини атрофлича тушунтириб, тақдимоти бўлаётган китобни бугунги замон мусулмонлари мутолаа қилиши зарур эканлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида улуғ устозларимиздан Зоҳиджон домла Қодиров сўз олиб, шайх ҳазратларини хотирлаб, аввал ушбу китобларни чоп этиш машаққат бўлганини, ҳозирда эса юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида бундай асарларнинг нашр этилиши халқимизга манфаатли бўлаётгани ҳақида айтиб ўтдилар. Шунингдек, устоз фитналар мавзусида баъзи тарихий маълумотларни эслаб, тадбир иштирокчиларига тақдим этдилар.



Шундан кейин илк бор нашр этилиб, тақдимоти бўлаётган «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 32-жуддаги мавзулари бўйича ўтказилган сўровнома видеолавҳаси тақдим этилди.

Сўнгра, ёзувчи, адиб, устоз Эркин Маликнинг китоб муқоваси борасида битилган хотиралари бошловчи Қамариддин Бекмуҳаммад томонидан ташриф буюрган меҳмонларга ўқиб эшиттирилди.

Кейин тадбирнинг тақдирлаш қисмига навбат берилди.

«Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг илк муҳаррири, жонкуяр адиб, адабиётшунос олим Мурод Мансур раҳимаҳуллоҳга севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини ўзбек китобхонларига равон, халқчил тилда етказиш, исломий маърифат таратиш йўлидаги фидокорона хизматлари, сермашаққат меҳнатлари, тинимсиз ижодий фаолияти учун шаҳодатнома тақдим этилди. Мукофот адибнинг фарзандига топширилди.





Бундан ташқари халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларини, маданий меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аجدодларимизга муносиб равишда тарбиялаш, уларнинг Ватанимиз тарихи, бугуни ва эртаси олдидаги масъулиятини ошириш, зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, юртимизда китобхонликни кенг тарғиб қилишга қўшган муносиб ҳиссаси

учун қуйидаги азизлармиз ташаккурнома билан тақдирландилар:
Абдулбоқий Фуломов - муқова дизайнери
Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф - араб тили муҳаррири
Эркин Малик- муҳаррир
Озод Мунаввар - муҳаррир
Барно Саидрахмон - муҳаррир
Мансур Қаюмов - саҳифаловчи
Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ - саҳифаловчи
Аҳрор Аҳмедов - «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири
Тадбир якунида устоз Исмоил Муҳаммад Содик катта ҳажмдаги Қуръони Карим нашр этилганини хушхабарини эълон қилдилар.



Сўнгра анъанага мувофиқ, Қуръони Карим тиловат қилинди. Тиловатни юртимизнинг машҳур зийнат қориларидан, Қуръони Карим ходими Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид ўқиб бердилар. Улуғ устозларнинг хайрли дуолари билан тақдимотга яқун ясалди.

Аллоҳ таоло ушбу китобни барчамизга манфаатли ва хайрли айлаб, турли фитналардан Ўзи асрасин.

Тадбирни қуйидаги ҳавола орқали томоша қилишингиз мумкин:
<https://www.youtube.com/live/45b1fs18Xjc?si=m4yckpdnisjr-qil>